



Q A R O R

2006 йил « 7 » август

№ 123-К

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 июлдаги 147-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида»ги қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 июлдаги 147-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда бинолар, иншоотлар ва яқка тартибдаги уй-жойлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштиришни таъминлаш бўйича зарур таъминот-хуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 июлдаги 147-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сонли Фармонини амалга ошириш ҳақида»ги қарори раҳбарлик ва ижро қилинишга қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва туманлар ҳокимликлари «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси билан биргаликда 2006 йил 1 декабргача бўлган муддатда:

ер участкаларининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаган ҳолда эгаллик ҳужжатлари фойдаланиш учун ва ижарага берилган ер участкаларини;

яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ер фондини шакллантириш, шу қаторда қишлоқ корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бўш турган ва

қайтарасиз фойдаланилаётган ер майдонлари ҳисобига яратиш мақсадида, аҳоли яшаш пунктларидаги ер майдонларини, шунингдек уларга ёндош участкаларни хатловдан ўтказиши топширилганлиги;

Хатловдан ўтказиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда, яқка тартибдаги уй-жой участкаларини жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли яшаш пунктларининг бош режаларига, муҳандислик инфратузилмаси схемаларига ўзгаришлар киритиш лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Геозедезкадастр» давлат қўмитаси ва «Давархитектурқурилиш» қўмитаси билан биргаликда 2006 йилнинг 1 декабргача бўлган муддатда ер фондининг иқтисодий зоналарини аниқлаши;

Ер участкалари гаров таъминоти сифатида белгиланган тартибда участкаларга ва бошқа кредит муассасаларига ўтган ҳолларда улар ушбу ер участкаларини мулк ҳуқуқи ўзларига ўтган вақтдан бошлаб олти ойдан кечикмасдан сотувга қўйишлари шартлиги белгилаб қўйилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси 2006 йил 1 октябргача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштирилган ер участкалари учун ижара тўлови шартлари юзасидан таклифлар киритиши белгиланганлиги маълумот учун қарор килинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар қўлидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари юз берганда, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ер участкалари олиб қўйилади, кейинчалик улар ушбу участкаларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хоҳишини билдирган шахсларга қўйилади.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ишчи гуруҳи ташкил қилинсин ва иловага асосан тасдиқлансин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Баҳромов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



И. Нурмуратов